

## Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 830-ҳадис

830 - وَعَنْ حُدَيْفَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا أَخَذَ مَضْجَعَهُ مِنْ اللَّيْلِ وَضَعَ يَدَهُ تَحْتَ حَدِيدِهِ، ثُمَّ يَقُولُ: «اللَّهُمَّ؛ بِاسْمِكَ أَمُوتُ وَأَحْيَا» وَإِذَا اسْتَيْقَظَ قَالَ: «الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَحْيَانَا بَعْدَ مَا أَمَاتَنَا وَإِلَيْهِ النُّشُورُ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ [6314].

830. Ҳузайфа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам тунда ётмоқчи бўлсалар, қўлларини ёноқларининг тагига қўяр, кейин: «Аллоҳумма, бисмика амууту ва аҳйаа», дердилар.

(Маъноси: Аллоҳим, Сенинг исминг билан тириламан ва ўламан.)

Уйғонганларида эса: «Ал-ҳамду лиллааҳиллазии аҳйаанаа баъда маа амаатанаа ва илайҳин-нушуур», дердилар».

(Маъноси: Бизни ўлдиргандан кейин тирилтирган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Ва қайтиш Унгадир.)

*Имом Бухорий ривояти.*

**Шарҳ:** Аллоҳ таоло Қуръони каримда: «Аллоҳ жонларни ўлган вақтида, ўлмаганларни эса ухлаётган пайтларида олур. Бас, Ўзи ўлимга ҳукм қилган жонларни (қайтармасдан) ушлаб қолур, бошқаларини эса белгиланган бир муддатгача (ажаллари етгунча) қўйиб юборур. Албатта, бунда тафаккур қиладиган қавм учун аломатлар бордир», деб айтган. (Зумар сураси, 42 оят).

Ибн Касир ушбу оятни тафсир қилиб бундай дейдилар: «Аллоҳ таоло Ўзи мавжудотларни хоҳлагандай бошқаришининг хабарини беряпти. Дарҳақиқат, У жонларни таналардан олиш орқали “катта ўлим”га ҳукм қилади. “Кичик ўлим” эса - уйқудир».

Бошқа ояти каримада эса шундай дейди:

**“У тунда сизларни «вафот эттирадиган» (ухлатиб руҳингизни вақтинча оладиган), кундузи қилган ишларингизни биладиган зотдир. Сўнгра белгиланган муҳлат (умр) адо этилиши учун унда (кундузи) сизларни (яна) «тирилтирур» (уйғотур). Кейин Унга қайтиш (бор). Сўнгра сизларга қилган ишларингиз хабарини берур”** (Анъом сураси, 60 оят).

Дарҳақиқат, уйқу – Аллоҳ таолонинг буюк мўъжизаларидан. Зеро, гўё ўлгандек, ҳеч нарсани ҳис қилмай ётган одамни Аллоҳ яна руҳини қайтариб уйғотади ва у олдингидек тўла-тўқис яшай бошлайди. Демак, уйқудагиларни уйғотиб руҳини қайтарган Аллоҳ таоло қабрларда ётган “катта ўлим” берилганларни уйғотишга албатта қодирдир!

Динимизда ҳамма, ҳатто, кўзимизга кичик ва эътиборсиз бўлиб кўринадиган амаллардаги одоблар ҳам баён қилинган.

“Нега айнан уйқу. Уйқуда ҳам эътиборли ёки савобли амал борми? Ахир уйқуда инсон на яхшилик ва на ёмонлик қила олмайдику”, дейишингиз мумкин. Лекин, фараз қилинг, бир киши олтмиш йил яшади, дейлик. Одатда, умумий ҳисобда у саккиз соат ухласа унинг ҳаётининг учдан бир қисми яъни, йигирма йилни уйқуда ўтказган бўлади. Биз қуйида санаб ўтадиган одоби шарифларга амал қилинса, ўша каттагина муддат – йигирма йил манфаатли ва савобга лиммо-лим умрга ва ҳар кунлик одат эса ибодатга айланади.

Қуйида уйқуга кетишга оид бир қанча одобларни келтириб ўтамыз.

### **1. Хуфтон намозидан олдинги уйқу ва хуфтондан кейинги суҳбатнинг макруҳлиги:**

Абу Барза розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расуллуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хуфтондан олдинги уйқуни ва ундан кейинги суҳбатни ёқтирмасдилар” (Имом Бухорий ривояти).

Чунки хуфтондан олдинги уйқу уйқу учун хосланган кечки уйқуга путур еткази. Ундан кейинги суҳбат эса бомдод намозига ухлаб қолиш хавфини келтириб чиқаради. Лекин уламоларнинг фикрича, хуфтондан кейинги суҳбат диний ва ижтимоий манфаат учун ёки илм суҳбатлари бўлса у макруҳ эмас, деганлар. Негаки, Расуллуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Бакр Сиддиқ билан тунда суҳбат қилганлари ҳақида Умар розияллоҳу анҳудан ривоятлар келган.

### **2. Уйқуга таҳоратли ётиш:**

Бунга юқоридаги Баро ибн Озиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган 827-рақамли ҳадис далил бўлади:

### **3. Тўшакни қоқиш ва “Бисмиллоҳ”ни айтиш:**

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **“Қайси бирингиз ётоғига ётса, изорининг ички тарафи билан тўшагини қоқиб юборсин. Зеро, у ўзидан кейин тўшагига нима кирганини билмайди. Сўнгра шундай дейди: “Раббим! Номинг ила ётдим ва Сен ила тураман. Агар жонимни олсанг раҳм қил. Агар жонимни юборсанг (яъни, уйғонганда руҳи қайтарилиши) уни солиҳ бандаларингни сақлаганингдек асра”** (Имом Бухорий ривояти).

### **4. Ёнг томон билан ётиш:**

Жуда кўп ҳадиси шарифларда ёнг томон билан ётишга тарғиб қилинган. Баро ибн Озибдан ривоят қилинган юқоридаги ҳадис ҳам шулар жумласидандир. Чунки инсон ёнг томон билан ётганда ошқозонда овқат ҳазм учун яхши жойлашади ва сергакроқ ухлайди. Чап томонга ётганда эса юракка оғирроқ бўлади.

### **5. Ёнг қўлни юзининг тагига қўйиб ётиш ва баъзи зикрларни айтиш:**

Бунга ҳозирда ўрганаётганимиз Ҳузайфа розияллоҳу анҳудан қилинган ривоят далил бўлади:

### **6. Чалқанча ётиш макруҳ:**

Бунга кейинги ҳадисда келадиган Яъиш ибн Тихфа ал-Ғифорий розияллоҳу анҳумодан қилинган ривоят далил бўлади.

### **7. Уйқудан олдин Қуръондан баъзи оятларни тиловат қилиш:**

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: **“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тунги ётоқларига борсалар, икки кафтларини бирлаштириб, уларга дам уриб - “Ихлос”, “Фалақ”, “Нос” сураларини қироат қилардилар. Сўнгра икки кафтларини баданларининг қўллари етгарлик жойларига суртардилар. Бошларидан бошлаб, сўнгра юзлари ва кетма-кет бошқа аъзоларига. Бу ишни уч марта қилардилар”** (Имом Бухорий ривояти).

Аллома Қози Иёз: “Қуръон оятлари ва зикрдан ҳосил бўлган ҳаво (нафас) ва ундаги намликда табарруклик бор”, деган.

Бундан ташқари, ухлашдан олдин Оятул курсий ўқилса, Аллоҳ таоло томонидан асровчи фаришта туширилиши, Бақара сурасининг охириги икки

ояти ўқилса, омонда бўлиши, Кафирун сурасини ўқиса эса ширкдан омонда бўлиши, Зумар, Сажда, Таборак ва бошқа сураларни ўқишнинг фазилатлари ҳақида ҳадиси шарифлар мавжуд.

## **8. Тунги (таҳажжуд) намозига туришни ният қилиб ухлаш:**

Абу Дардо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **“Ким ётоғига тунги намозга (таҳажжудга) туришни ният қилиб ётса ва тунги намозга ухлаб қолиб тонг ортгирса, унга ният қилгани бўлибди. Уйқуси эса Раббиси азза ва жалладан у учун садақа бўлибди”**.

## **9. Уйқудан олдин чироқларни ўчириб, эшикларни ёпиш:**

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумо ривоят қиладилар: **“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Идишларнинг оғзини ёпиб, эшикларни тамбалаб ва чироқларни ўчириб ётинглар, чунки сичқон пиликни тортиб юбориб, уй аҳлини ёқиб юбориши мумкин”, дедилар”** (Имом Бухорий ривояти).

Ҳадисдан олинадиган фойда шуки, ўт чиқишига сабаб бўладиган жиҳозлар, яъни газ ва электр жиҳозларига уйқудан олдин эътибор бериш ҳам динимиз одобларидан экан. Бу ҳадис нафақат дунёвий манфаатларни, балки диний манфаатларни ҳам ўз ичига олган. У асраш лозим бўлган ҳар бир жонга эътибор ва беҳуда сарфлаш гуноҳ бўлган молни сақлашга ундовдир.

Бошқа ҳадисда эса:

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **“Тунда чироқларни ўчириб, эшикларни ёпиб, мешларнинг оғзини боғлаб ҳамда овқат ва ичимликларни ёпиб ётингиз”** (Имом Бухорий ривояти).

## **10. Қўрқиб уйғонса маълум бир дуо ва зикрларни айтиш:**

Амр ибн Шуайб розияллоҳу анҳудан нақл қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **“Бирортангиз уйқуда қўрқса: “Аъзузу бикалиматиллаҳит таммати мин ғозобиҳи ва иқобиҳи ва шарри ибадиҳи ва мин ҳамазатиш шаятийн ва ай-яҳзурун”, десин.**

(Таржимаси: “Аллоҳнинг мукаммал калималари ила Унинг ғазаби ва жазоси, бандаларининг ёмонликлари, шайтонларнинг васваслари ва уларни менинг олдимга келишларидан паноҳ тилайман”) (Сунани Термизий).

## 11. Яхши ва ёмон туш кўриш:

Абу Саид Худрий розияллоху анҳудан нақл қилинади: “Набий соллаллоху алайҳи васаллам: **“Бирортангиз ўзига ёқадиган туш кўрса, уни Аллоҳ таоло сизга марҳамат қилган бўлиб, бунинг учун дарҳол Раббингизга ҳамду сано айтсин ва кўрган тушини (яхши одамларга) айтсин. Агар кўнгли хушламайдиган тушни кўрса, демак, у шайтон тарафидан бўлиб, унинг ёмонлигидан Аллоҳ таолодан паноҳ тиласин (яъни, “Аъзу биллаҳи минаш шайтонир рожийм” десин) ва уни ҳеч кимга айтиб бермасин. Шунда кўрган ёмон туши унга зарар келтира олмайди!”** дедилар” (Имом Бухорий ривояти).

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоху анҳумодан нақл қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: **“Бирортангиз ўзи ёқтирмайдиган туш кўрса, чап тарафига уч марта туфласин ва шайтондан Аллоҳ таолодан паноҳ тиласин ҳамда бошқа тарафга ўгирилиб олсин”,** дедилар” (Имом Муслим ривояти).

Уйқуда ёмон туш кўрганда нима қилиш керак экани юқоридаги ҳадисларда баён қилинди. Лекин уларнинг энг афзали Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллама айтганларидек: **“...Бирортангиз ўзи ёқтирмайдиган туш кўрса туриб намоз ўқисин ва у тушини ҳеч кимга айтиб бермасин...”**

### Уйқудан туриш одоблари:

Уйқудан уйғонганда зикр қилиш, таҳорат қилиш ва намоз ўқиш суннатдир:

Абу Хурайра розияллоху анҳудан нақл қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: **“Шайтон сизлардан бирингиз уйқудалигида гарданига учта тугун тугади ва ҳар бир тугунга: “Сенда узун тун бор, шундай экан ухла!”** дейди. У уйғонганда Аллоҳни зикр қилса битта тугун ечилади. Таҳорат қилса яна бир тугун ечилади. Намоз ўқиса эса яна битта тугун ечилади. Шунда у ғайратли-тетик ва кўнгли равшан ҳолда тонг орттиради. Аммо ундай қилмаса кўнгли хира, дангаса ҳолда тонг орттиради”, дедилар.

Бошқа ҳадиси шарифда эса:

Убода ибн Сомит розияллоху анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам бундай деганлар: **“Ким кечаси уйғониб: “Лаа илаҳа иллаллоху ваҳдаҳу лаа шарика лаҳ. Лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ъала кулли шайъин қодийр. Алҳамду лиллаҳи ва субҳаналлоҳи ва ла илаҳа иллаллоху валлоху акбар ва лаа ҳавла ва лаа қуввата илла биллаҳ”,** деган дуони ўқиб, сўнг “Аллоҳим, мени кечиргин!” деса, дуоси мустажоб бўлади, кейин таҳорат олиб намоз ўқиса,

намози қабул бўлади” (Имом Бухорий ривояти).

**(Маъноси:** “Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқдир, Унинг ёлғиз Ўзигина мавжуддир, унинг шериги йўқдир, жамики мулк Уникидир, барча мақтовлар Унга хос ва У ҳар бир нарсага Қодирдир! Аллоҳга мадҳу мақтовлар бўлсин. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Аллоҳ энг буюқдир, Аллоҳнинг иродасисиз ҳеч нарса бўлмайди”)

Уйқудан турганда суннат ҳисобланган яна бир қанча зикр ва дуолар мавжуд. Уларни батафсил ҳадис, одоб-ахлоқ мавзусидаги китоблардан топиш мумкин.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVARIDLARI